


2012 йил – МУСТАҲЖАМ ОИЛА ЙИЛИ

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI



№ 1-2 (197-198) • 2012 YIL, YANVAR-FEVRAL •

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шarti ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

И.А.Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги Халқаро Конференциядаги нутқидан.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Шу йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда БМТ, Осие тараққий банки, Жаҳон банки, Ислон тараққий банки намояндлари, дунёнинг турли қитъаларидаги 48 мамлакатдан вакиллар қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистонда таълим соҳасини ислох қилиш тажрибаси билан танишдилар.

Анжуманда институтимиз ректори, профессор О. Дўсमतов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар юртимизга ташриф буюрган хорижий олий ўқув юртлари раҳбарлари, йирик олимлар билан дўстона учрашувлар ўтказдилар ва ўзаро тажриба алмашдилар. Жумладан, Германия, Россия, Украина, Белорусия Республикаларининг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан илмий-амалий алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишилди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Институт маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларининг 20 йиллиги муносабати билан «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида тадбир ўтказилди.

Мухтарам Президентимиз И. А. Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз пойдеворини чегараларимиз даҳсизлиги, юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги ташкил этади. Буни бизга Ватан ҳимоячилари таъминлаб бермоқдалар. Бизга дорилмомон кунларни берган, аждоду-авлодларимизга ошён бўлган Ватан деб аталмиш муборақ юртни кўз қарочигидек асраб, ҳамиша хушёр ва сергак, огоҳ бўлганлар, элу юрт осойишталиги учун ҳар қандай жасоратга қўриб турганлар Ватан ҳимоячиларидир. Халқимиз ҳақли равишда ана шундай ўғлонлари билан фахрланади.

Тадбирни институт ректори профессор О.Дўсमतов кириш сўзи билан очди. Миллий истиқлол ғояси, маъ-

навият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси А.Уролов «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида маъруза қилди.

Институт хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Абдувалиева сўзга чиқиб, барча профессор-ўқитувчилар ва талабалари Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларининг йигирма йиллиги муносабати билан табриклади ва сўзини Муҳаммад Юсуфнинг «Ватан» номли шеъри билан якунлади.

Тадбирнинг бадий қисмида институтнинг мусиқа йўналиши ўқитувчилари ва талабалари томонидан тайёрланган куй-кўшиқлар, рақслар барчанинг эътиборини ўзига тортиди.

Б.ҚУДРАТОВ.

ТАЛАБАЛАР ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга бағишлаб ўтказилган тадбирда кўп сонли профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этдилар.

Институт маънавий-маърифий ишлар бўлими, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти, Умумий тарих ва Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедралари профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан уюштирилган тадбирда Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш ва тарғиб қилиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, барча факультетлардаги академик гуруҳларда иккинчи семестрда 26

соат ҳажмдаги махсус курс ўқув машғулоти ўтказилади. Машғулотларни мазмунли ўтказиш учун тегишли кафедралар ва профессор-ўқитувчилар масъулиги белгилаб олинди.

Тадбир сўнггида йиғилганларга «Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида ёхуд шўроларнинг сўнги талвасаси» деб номланган фильм намойиш этилди.

Ф. ҚҶШНАЗАРОВ.

БАРҚАРОРЛИК ТИМСОЛИ

Азал-азалдан халқимиз оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб билиб келган. Чунки оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берди.

Институтимиз маданият саройида 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан вилоят Адлия бoшқармаси билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди.

Тадбирни институт ректори, профессор О. Дўсमतов кириш сўзи билан очиб берди.

Шундан сўнг вилоят Адлия бoшқармаси бошлиғи Ш. Ҳақназаров талабалар ҳузурда ушбу мавзуда маъруза қилди. Шунингдек, институт «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти

етакчиси Ф. Ақчаев, ФХДЁ идоралари ходимлари ҳам сўзга чиқиб, ушбу йил дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар, ёш оилаларни турли тўфонлардан асраш, уларнинг

мустаҳкам оёққа туриб олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар тилга олинди. Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваломбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидидаги ўз бурчи ва масъулиятини англашига боғлиқ. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг беҳиёс мавқеи ҳақида фикр юритилди.

Г. АҲМАДОВА.

ТАДБИРКОРЛИК – МУСТАҲЖАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

2012 йил 26 январ кунини Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрида Республика Марказий банки ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Тадбиркорлик – мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуманда Жиззах вилоятининг барча туманларидан келган хусусий тадбиркорлар ва талаба ёшлар иштирок этишди. Анжуманда Жиззах вилояти ҳоки-

ми С.У.Исмоилов сўзга чиқди. Вилоят ҳокими ўз фикрларини баён этар экан, туманларда таҳсил олаётган касб-хунар коллежлари талабаларини мустаҳкам иш ўринлари билан таъминлаш, тадбиркорлик лойиҳаси билан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўз фикрларини баён қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бoшқаруви раиси ўринбосари Ш.Х.Ҳайдаров Тадбиркорларни

имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ва уларга кенг миқёсда имкониятлар яратиши ҳақида гапирди.

Анжуман сўнггида туманлардан келган бир қатор тадбиркорларга совға-саломлар, банк маъмуриятининг имтиёзли кредит олиш тўғрисидаги сертификатлари топширилди.

Ш.НЕЪМАТОВ,
География ва ИБА йўналиши
2-бoшқич талабаси.

Ушбу сонда:

2-БЕТ

КИМ ЧАҚҚОН ЭПЧИЛ ЗУККО ?

3-БЕТ

ШОҲ, АДИБ ВА ШОИР – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

4-БЕТ

ТАЛАБА ТАДҚИКОТ ЙЎЛИДА

Ҳақи ва безакларнинг сирли олами

6-БЕТ

Шеърят гулшани

5-БЕТ

ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРМАНГ

ҚИШ ФАСЛИДА ХОНА ҲОНА

ЎСИМЛИКЛАРИ ПАВВАРИШИ

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаёти тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади... боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўганини қилади», деган доно мақоли ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.»

И. А. КАРИМОВ.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан.

БИЗ ЁШЛАР ҲАМ МАСЪУЛМИЗ

Бир қарашда оиланинг мутақамлигига масъуллик ота-оналарга тегишлидек туюлиши мумкин. Лекин шуни унутмаслигимиз зарурки, биз ҳам шу масъулиятнинг бир қисмини елкамизга оладиган ёшга етиб қолдик. Бошқача қилиб айтганда, оила мустақамлигига ёрдам берадиган унча-мунча иш биз ёшларнинг ҳам қўлимиздан келади.

Ўзини ҳурмат қиладиган ота-она рўзгорни моддий томондан таъминлаш, уй қуриш ёки машина сотиб олиш каби оғир ишларни ҳеч қачон вояга етмаган болалари гарданига юклаймайди. Лекин бу дегани оила ишларини, унинг бутун ташвишларини фақат катталар тортиши керак, дегани эмас. Оилада оиланинг ҳар бир аъзоси учун юмуш топилади.

Албатта оиладаги ишларнинг юриши, унинг мустақам ва соғлом бўлиши оиладаги маънавий муҳитнинг покизалиги оиланинг ҳар бир аъзоси хатти ҳаракатига боғлиқдир. Масалан, укамиз ёки синглимиз бирорта юмушни бажараётиб ёрдамга муҳтож бўлиб чарчаб келганига қарамай биз учун мазали таом тайёрлашга киришиб кетган онамизга, томорқа ишларини тугатишга ҳаракат қиладиган отамизга ҳам ёрдамимиз зарурдир.

Ана шу юмушларни биргаликда бажариш жараёнида ўзаро қизиқарли ҳангомалар, латифа-

лар айтилади, суҳбатлашади. Яна шу жараённинг ўзиде фақат қўлимиз эмас, қалбимиз, ақлимиз, меҳримиз тобланади. Қилаётган меҳнатимиз натижасида экин-текин, ҳовли-жойимиз, турмуш-тарзимиз эмас, балки кўнглимиз ҳам обод бўлаяпти.

Оила мустақамлиги оиладаги ҳукмрон маънавий муҳит билан боғлиқ. Муҳитнинг соғломлигига эришиш учун ҳар тарафлама кўмак бериш мақсадида юртимизда жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, уй қуриш ёки сотиб олмақчи бўлганлар учун банклар томонидан берилаётган кўп йиллик имтиёзли кредитлар тизими жорий этилган. Ёшларни қўллаб-қувватлашга доир дастурлар, маданият ва санъат даргоҳлари, спорт иншоотлари ёшлар учун хизмат қилмоқда.

«Мустақам оила йили» дея аталган ушбу йилда биз ёшлар улкан ютуқларга эришиб, олдимизда турган энг масъулиятли юмуш-аввало яхши баҳоларга ўқиб касб-хунарли бўлсак, барчага ўрнак бўладиган жиҳатларимизни кўрсата олсак, бу нафақат ўзимиз вояга етган оиламизни, балки бутун халқимизнинг, юртимизнинг мустақам ютуғидир.

Оллоёр ХўЖАҚУЛОВ,
Дефектология йўналиши I-босқич талабаси.

АМАЛИЁТ

ДАРСДАН ТАШҚАРИ

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти даврида фанлар шоҳи бўлган математика фанига ёшларнинг эътибори тобора ортиб бормоқда. Ўқувчилар орасида математика фанига қизиқувчан, қобилиятли болалар кўпайиб кетди. Улар билан машғулот ўтиш учун ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриб, тарихий маълумотлар, қизиқарли ўйинлар, мантикий масалалар, ҳуллас, илғор педтехнологиялардан фойдаланиб, ўз олдига қўйилган мақсадга эришмоқда. Бу ишларни амалга оширишда синфдан ташқари ўтказиладиган тўғарак машғулотлари, синфлар ўртасида бўлиб ўтадиган мусобақа, билим, ринг, заковат каби интеллектуал ўйинлар ҳам катта ижобий самара бермоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 252-сонли буйруғига асосан февраль ойи математика ва информатика фани ойлиғидир. Шу фан ойлиғи муносабати билан Жиззах туманидаги 4-сон умумий ўрта таълим мактабининг 8 «а», «в», «д» синф ўқувчилари ўртасида «Адабиётнинг гузаллигида математиканинг ўрни» мавзусида мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақага тайёргарлик кўриш, ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлари яна бир марта намоён бўлди. Бу тадбирда 100 нафар ўқувчининг биронтаси ҳам четда қолмади. Бундан ташқари барча синфларда очик дарслар ўтказилиб, ўқувчиларнинг математика фанидан эгаллаган билимлари янги маълумотлар билан бойитилди.

Адхам ЁҚУБОВ,
Математика ва уни ўқитиш
услугияти йўналиши
4-босқич талабаси.

КҮРИК-ТАНЛОВ

КИМ ЧАҚҚОН
ЭПЧИЛ
ЗУККО ?

«Мустақам оила йили» Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш ҳамда мустақамлик йилларида юртимиз ёшлари ҳаётида рўй берган улкан ютуқларни намойиш этиш, ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат тинчлиги, юрт осойишталигини таъминлаш ҳар бир йигит-қизнинг муқаддас бурчи эканлигини ёшлар онгига сингдириш ушбу тадбирнинг бош мақсади қилиб олинди. Кўрик-танлов шартлари ора-

Педагогика – психология факультетида 2012 – Мустақам оила йилига бағишлаб «Балли, йигитлар» кўрик-танлови ўтказилди.

сида билимдонлик ва спорт асосий ўринга қўйилди ва беш баллик баҳо мезони белгиланди. Ҳайбат томонидан Дефектология йўналишидан Илхом Татлибоев, Муслиқ таълим йўналишидан Маъруф Қодиров, Педагогика-психология йўналишидан Ибодулла Ахроровларнинг чиқишлари юқори баҳоланди. Номинациялар бўйича муслиқ таълим йўналиши талабалари пешқадам бўлдилар.

Х. ИБРАГИМОВ.

ЯНГИ НАШР

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Сарвар Назарқосимовнинг «Сиёсий барқарорлик» номли рисоласи Тошкентдаги «Истиклол» нашриётида чоп этилди.

Илмий рисолада сиёсий барқарорликка дахлдор муҳим илмий-назарий масалалар билан бир қаторда унинг модернизация жараёнлари билан уйғунлиги илмий асосда чуқур таҳлил этилган. Барқарорлик ва сиёсий янгилаш орасидаги мувозанатни таъминлаш, сиёсий барқарор-

ликнинг ижтимоий-маданий асослари, модернизация ва либераллашувнинг глобал жараёнлар шароитларида фуқаролик жамиятини барпо этиш сари бораётганлиги ва шу асосда минтақада сиёсий муҳитни муътадил сақлаш масалалари илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Рисола олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган талабалар учун айниса фойдалидир.

Б. ҚУДРАТОВ.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ЎРГАНИНГ!

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 1973 йил 29 декабрда ташкил этилган ва 1988 йил 6 сентябрда қўшни вилоятлар таркибига киритилган. Жиззах вилояти 1990 йил 16 февралда қайта тикланган. Вилоят ҳудуди 21,2 минг кв. км. ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонга нисбатан 4,7 фоизга ёрбарор. Вилоятда 2010 йил маълумотларига қараганда 1123 минг киши ёки мамлакатимиз аҳолисининг 4,0 фоизи яшайди. Аҳолисининг зичлиги 1 кв.км.га 53 киши тўғри келади. Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашганлиги, ҳудуди республиканинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланган Тошкент ва Самарқанд иқтисодий районларининг ўртасида эканлиги вилоятнинг ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг геоиқтисодий ва геосиёсий мавқеини белгилайди. Вилоят ҳудудининг яхлитлиги ундан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Вилоят иқтисодиётининг ривожланишида моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи ҳисобланган саноат муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат тармоқларининг ҳиссаси йилдан-йилга ошиб бораёпти. Масалан, 2009 йилда саноат маҳсулоти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоиз кўпайган. Саноатни ривожлантириш учун вилоятда барча иқтисодий ва ижтимоий омиллар мавжуд. Бугунги кунда машинасозлик, электромеханика, аккумуляторлар ишлаб чиқариш,

пахта тозалаш, трикотаж, ип-йигирув, химия, қурилиш материаллари, мебелсозлик ва озиқ-овқат саноати соҳалари етакчи тармоқлар ҳисобланади. Бу тармоқларни янада тез суръатларда ривожлантириш учун табиий қулай шароит билан бирга малакали ишчи кучи, инфраструктура ҳолати, транспорт имкониятлари ҳамда фан-техника тараққиётидан тўла-тўқис фойдаланиш талаб этилади. Вилоят саноатини ривожлантиришда мавжуд маҳаллий имконият ва омиллардан тўғри фойдаланиш лозим. Саноат корхоналари мулкчиликнинг турли шаклларига ўтганлиги бозор иқтисодиёти давридаги қийинчиликларни енгишга ёрдам бермоқда.

Вилоятнинг қишлоқ жойларида халқимиз азалдан шуғулланиб келган гиламчилик, дурадгорлик, сандиқсозлик, бешиқсозлик, кулолчилик, пичоқчилик, зардўзлик каби хунармандчилик турларини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан нодавлат секторини мустақамлаш, қишлоқ жойларда янги саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифасигина эмас, Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада яхшилашга хизмат қилувчи омил ҳам бўлиб ҳисобланади.

Нафиса ХОЛМОНОВА,
Акмал ХЎЖАНАЗАРОВ,
География ва ИБА
йўналиши 2-босқич
талабалари.

ХАВФЛИ ИЛЛАТДАН УЗОҚ ЮР

ГИЁХВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ



Гиёхвандлик бу — бевақт ўлим, пулга сотиб олинадиган ажал, катта моддий ва маънавий фожеа ҳисобланади. Минг афсуски, бугунги кунда айрим иродаси бўш, иймон-этикоди суст кишиларни, айниса ёшларни тўғри йўлдан адаштириб, ақл-хушиндан оздириб келаётган бу хавfli иллат дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда.

Институтимиз миқёсида гиёхвандликка қарши кураш доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Гиёхвандлик — умр заволи» деб номланган йиғилишда институтнинг кўп сонли профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлари ҳузурида вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари Ш. Сартоева, Ш. Шуқуруллаев, Р. Пардаев, Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими масъул ходимлари, вилоят ОИТС Маркази шифокори Н. Жамолов маъруза қилдилар. Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Тадбирда тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари томонидан гиёхвандлик ва ОИТСга қарши кураш мавзусида чизилган расмлар кўргазмаси, шунингдек видеоплавлар намойиш этилди.

Суратларда: 1. вилоят ОИТС Маркази шифокори Н. Жамолов талабалар ҳузурида маъруза қилмоқда; 2. Талабалар ижодининг маҳсули бўлган мавзуга оид расмлар кўргазмаси.

Х. Носиров суратлари.



АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД КУНИГА



Баҳор бўлди-ю, гул майли қилмади кўнглум,
 Очилди гунча-ю, лекин очилмади кўнглум.
 Юзунг хаёли ила вола эрдим андоқким,
 Баҳор келган-у кетганини билмади кўнглум.
 Гум ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ –
 Ки, гунчалар аро истаб, топилмади кўнглум.
 Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,
 Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.
 Юзунг назорасида масту маҳв эди, яъни –
 Ки, гул чоғида замоне ойилмади кўнглум.
 Замона гулбунда гунчадекдур эл кўнгли,
 Аларга, шукрки боре қотилмади кўнглум.
 Навоий гунча тилаб, кўнглум оғзин этти ҳавас,
 Агарчи топмади, лекин ёнгилмади кўнглум.

Оҳким, ғам тигидин кўксумни қилди чок ишқ,
 Дуди оҳимдин кўзумни айлади намнок ишқ.
 Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қилмади,
 Не учун ғам тигидин кўксумни қилди чок ишқ?
 Ул пари кўйидаким, ҳар лаҳза юз минг бош борур,
 Судрабон элтур мени девонани бебок ишқ.
 Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгунг кўзгуси,
 Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.
 Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташпорани,
 Оллоҳ-Оллоҳ, барқ ила ўйнайдурур хошок ишқ!
 Ишқ водийсиға кирган ёнки, андин ҳар куюн –
 Ким, чиқар саргаштаедурким, қилибдур хок ишқ.
 Эй Навоий, ошиқеким, сен кибди истар фароғ,
 Гар эрур мажнунки, ул қилмайдурур идрок ишқ.

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
 Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.
 Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла,
 Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.
 Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнглумни,
 Топарсен айла юз парканду сол ҳар итга бир парканд:
 Эшитмай халқ пандин, турфақим, панд элга ҳам дерсен,
 Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?
 Бу фоний дайр аро гар шоҳлиг истар эсанг, бўлгил,
 Гадолиг нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.
 Бўлуб нафсингға тобеъ банд этарсен тушса душманни,
 Сенга йўқ нафсдек душман – қила олсанг, ани қил банд.
 Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма –
 Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шақкарханд.
 Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
 Гирифторм ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.
 Кўнгулдин жаҳл ранжи дофеъи гар истасанг бордур,
 Навоий боғи назми шаққаристониди ул гулқанд.

Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо,
 Айламас тўти такаллум шаққаристондин жудо.
 Ул куёш ҳажринда, кўрқармен, фалакни ўргатай –
 Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.
 Дема: ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
 Жисм айларму фиғон бўлган нафас жондин жудо?
 Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
 Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо!
 Бўлса юз минг жоним, ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
 Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.
 Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
 Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.
 Бир эясиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
 Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Коши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?
 Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?
 Кўзи қаҳринму дейин, кирпики захринму дейин,
 Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?
 Ишқ дардинму дейин, ҳажр набардинму дейин,
 Бу катик дардлар аро васли давосинму дейин?
 Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,
 Бирининг қайди, яна бирининг адосинму дейин?
 Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
 Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму дейин?
 Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
 Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?
 Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт,
 Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,
 Тил ранжига қолмоғлиги имкон бўлмас,
 Кўп сўзлагучига ғайри нуқсон бўлмас,
 Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас.

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
 Сўздурки, берур жонға хабар жонондин,
 Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
 Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
 Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
 Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
 Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
 То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
 То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
 Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Агар юз қатла булбул чексун афғон,
 Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон,

Агар оламни тутсун шоми дайжур,
 Тонг отмай кун чиқормоқ кимга мақдур?

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
 Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам
 бу дам.

Кафшсизликдин малул бўлмағил, аёғсизларга
 боқиб шукр қил.

Кисангда агар дирам йўқ, кўнглунгда кисабур
 ғами ҳам йўқ.

Нодон дўстни ҳам дўст сониға кивурма.

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбиға кўз
 солма.

Телба қулогига панд – куюн аёғиға банд.

Бебок – ҳамдамликка ярамас, нопок –
 махрамликка ярамас.

3! М! БОБУР ТАВАЛЛУД КУНИГА
ШОҲ, АДИБ ВА ШОИР –
ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР



Ҳар бир халқнинг тарихий, ма-
 даний-миллий қиёфасини аниқ
 белгилловчи улуг шоҳлари, буюк
 олимлари, йирик адиб ва шоирлари
 бўлади. Чунончи, Искандари Мақду-
 ний, Сукрот, Арасту, Букрот, Еври-
 пид, Ҳомер номларини эслагани-
 мизда, буюк эллин маданияти улуг-
 ворлиги ва нафосати билан кўз
 ўнгимизда намоён бўлади.

Жалолиддин Мангуберди, Тему-
 р Малик, Амир Темури, Заҳириддин
 Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шай-
 бонийхон, Абулғози Баҳодирхон,
 Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон
 Феруз сингари шоҳ, хон ва амир-
 лари; Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу
 Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний,
 Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошга-
 рий, Абу Мансур ас-аолибий, Маҳмуд
 Замахшарий сингари дунёвий: ижти-
 мий-гуманитар ва аниқ фанлар ал-
 ломалари; Имом Исмоил ал-Бухо-
 рий, Имом Мотрудий, Абу Зайд
 Дабусий, Хожа Аҳмад Яссавий,
 Баҳовуддин Нақшбанд, Бурхониддин
 Марғиноний, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор
 каби ҳадис, калом, дин ва тасаввуф
 илми уламолари; Юсуф Хос Ҳожиб,
 Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Лутфий
 Шоший, Алишер Навоий, Муҳаммад
 Ризо Огаҳий, Моҳларойим Нодира,
 Жаҳонотин Увайсий, Зокиржон Фу-
 рқат ва уларнинг сафдошлари бўлган
 сўз санъаткорлари эса Ватанимиз
 ўтмиши қиёфасини тасаввуримизда
 жонлантиради.

Президентимиз Ислоҳ Каримов
 шунинг учун ҳам миллий-маънавий
 қадриятларимиз вакилларининг
 таваллуд тантаналарини нишонлаш
 хусусида шундай ёзган эдилар:
 “Халқимиз республикамиз ҳуку-
 матининг Навоий, Улуғбек, Бобур,
 Машраб, Фурқат, Қодирий ва юрти-
 мизнинг бошқа буюк фарзандлари
 юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги
 қарорини жуда руҳланиб қутиб олган-
 лиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз.
 Уларнинг мероси Ўзбекистон халқ-
 лари умуминсоний қадриятларининг
 равнақи ва бойишига хизмат қилиб
 келган эди ва бундан буён ҳам
 хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо
 меросини халққа, аввало, ёшларга
 етказиш учун барча ишларни қи-
 ламиз”.

Инсониятнинг абадиятга мансуб
 буюк фарзандлари сафида бу йил
 таваллудининг 529 йиллиги ни-
 шонланаётган Заҳириддин Муҳам-
 мад Бобур ўз ўрнига эга. Кишилик
 тарихида Бобурчалик шахсий имкон,
 иқтидор ва фазилатлари беқиёс
 кишилар жуда кам учрайди.
 Бобур буюк подшоҳ, мумтоз шоир,
 назариётчи адабиётшунос, фақих,
 тилшунос, санъатшунос, этнограф,
 ҳайвонот ва наботот оламининг
 билимдони сифатида кўпқиррали
 фаолият ва ижод соҳиби эди. Бир-
 гина “Бобурнома” унинг йигирмадан
 ортиқ соҳаларга қизиққанлигига
 яққол мисолдир.
 Бобур, биринчи навбатда, шоҳ,
 бобурийлар сулоласининг асосчиси.
 Балки, бобурийлар жаҳон тарихида
 энг узоқ йиллар (332 йил) ҳукмронлик

қилган сулола бўлиб чиқар...

У подшоҳ сифатида лашкар тор-
 тиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг
 аччиқ аламларини зафарларнинг
 улугвор нашидаларини суришни кўп
 маротаба ўз бошидан кечирди. Отаси
 сингари улуг ҳимматли ва олий
 мақсадли шахс бўлганлигидан
 Фарғона вилоятини кичик жой деб
 ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У
 ерда Шайбонийхондан енгиллиб,
 Кобулга келди ва кейин Ҳиндистон-
 тондек бепоён йирик мамлакат
 ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда
 темурийларга хос улуг бунёдкорлик
 анъаналарини давом эттирди:
 муҳташам қасрлар тиклаш, ариқ –
 каналлар қазитиш, боғ-роғлар бунёд
 этиш, адабиёт, илм-фан ривожига
 ҳомийлик қилиш, элни адолат билан
 бошқариш... Ҳиндистоннинг буюк до-
 нишманд фарзанди, давлат арбоби
 Жаҳонирлаъл Неру ўзининг “Ҳин-
 дистоннинг очилиши” ва “Жаҳон та-
 рихига бир назар” асарларида
 Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида
 самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни
 изҳор этган:

“Бобур – дилбар шахс. Уйғониш
 даври ҳукмдорининг ҳақиқий наму-
 насидир. У мард ва тадбиркор одам
 бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жози-
 бали инсонлар орасида энг етук
 инсонлардан бири эди. У мазаҳ-
 парастлик каби чекланишдан ва
 мутаассибликдан йироқ эди... Бобур
 санъат ва, айниқса, адабиётни
 севарди”.

“Бобурнома”нинг котиби Бобур-
 нинг улуг подшоҳларга хос саккиз
 шахсий фазилатини қайд этган.

Матн таълиқи: “У қудратли под-
 шоҳнинг яхшиликларини айтган

билан ва ёзган билан тугатиш ма-
 ҳолдир. Лекин қисқаси буки, саккиз
 асл сифат унинг зотиға хос эди:
 бири буқим – иқболи баланд эди; ик-
 кинчиси – ҳиммати юксак эди; учин-
 чиси – вилоят олмоқ; тўртинчиси –
 вилоят сақламоқ; бешинчиси – маъ-
 мурлик; олтинчиси – Оллоҳ бандала-
 риға фаровонлик ниёти; еттинчиси –
 лашкар кўнглини қўлга олмоқ;
 саккизинчиси – адолат қилмоқ”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг
 болалик ва ўсмирлик йиллари ҳа-
 қида роман ёзган “Бобурнома”нинг
 инглиз таржимони Уилям Эрскин
 Бобурни Осиё подшоҳларига қиёсан
 шундай баҳолайди:

“Саховати ва мардлиги, истеъ-
 доди, илм-фан, санъатга муҳаббати
 ва улари билан муваффақиятли шу-
 гулланиши жиҳатидан Осиёдаги
 подшоҳлар орасида Бобурга тенг
 келадиган бирорта подшоҳ то-
 пилмайдиган”.

Бобур – соҳибдевор, соҳир шоир.
 Бобур шухратда даҳо Алишер
 Навоийнинг ёнида турадиган мумтоз
 сўз санъаткори, шоир ва адибдир.

Х.ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбек тили ва уни ўқитиш
услугияти кафедраси
ўқитувчиси.

ҲАЗАЛАР


Қачон бўлғай мушарраф бўлғаме, жоно, жамолингға?
 Қутулғаймен фиқрингдин, етишгаймен висолинга.
 Кўз очғил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,
 Лаб очғил сўргаликим, ташна бўлмишмен зилолингға.
 Ул ойнинг юзи бирла туш бўлуб даъвойи хусн эттинг,
 Яқин бўлди букунким, эй куёш, еттинг заволингға.
 Кабутар, элтасен хатим, не бўлғай гар қабул этсанг,
 Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға.
 Белиндинким хаёлийдур йироқдурмен, мени ёд эт,
 Умидим борки Бобурдин, етишгаймен хаёлингға.

Сочининг савдоси тушти бошимга боштин яна.
 Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоштин яна.
 Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, вале
 Хонумоним ногаҳон бузулмағай боштин яна.
 Юз ямонлик кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул
 Яхшилиғни кўз тутарсен ул париваштин яна.
 Тош урар атфол мени, уйда фориғ ул пари,
 Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тоштин яна.
 Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
 Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарқи диёр этса.


Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
 Шейр баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
 Ёз фаслида чоғир ичмақнинг ўзга ҳоли бор,
 Кимга бу наъша муяссар бўлса, бордур давлати.
 Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
 Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.
 Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шейр,
 То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.
 Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила
 Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

ИЛМ ЙЎЛИДА ҲОРМАНГ, УСТОЗЛАР!


2011 ЙИЛДА НОМЗОДЛИК
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ
ҲИМОЯ ҚИЛГАН УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРИМИЗ



Атамуродова Роҳила
Умумий психология
кафедраси катта ўқитувчиси,
130001 — педагогика.




Исматова Наталья
Инглиз тили ва адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси,
130001 — педагогика.




Хайдаров Шохқадам
Ўзбек тили ва уни ўқитиш
услуги кафедраси ўқитувчиси,
100201 — ўзбек тили.




Яхшиева Зухра
Кимё, экология ва уни ўқитиш
услуги кафедраси катта ўқи-
тувчиси, 020002 — аналитик кимё.



Ибрагимова Фазилат
Бошланғич таълим назарияси ва
амалиёти кафедраси ўқитувчиси,
100201 — ўзбек тили.



Санаева Лола
Биология ва уни ўқитиш
услуги кафедраси катта
ўқитувчиси, 030005 — ботаника.



Тўракулова-Ирода
Умумий педагогика кафедраси
ўқитувчиси, 130001 —
педагогика.



Эшонкулова Сурайё
Ўзбек тили ва уни ўқитиш
услуги кафедраси
ўқитувчиси, 100103 — ўзбек
адабиёти.

ТАЛАБА ТАДКИКОТ ЙЎЛИДА

Ҳақиқ ва безакларнинг сирли олами

Ўтмиш қадриятлари халқнинг бебаҳо маданий мероси ҳисобланади. Уларда асрлар силсиласи акс этган. Бой маданий меросимиз худди қоронғу хонани ёритувчи шамдек бугунги ҳаётимизда зиё сочиб туради.

Устозларимизнинг айтишича, қадимда нақш билан безаш санъати жуда ривожланган экан. Уларда асрлар тажрибаси жамланган, боболаримизнинг ижодий меҳнати мужассамлашган. Биз халқимизнинг ана шу қадимий юсак маданияти ва санъати билан фахрланамиз.

Варахша, Афросиёб, Холчаён, Тупроққалъа, Болаликтепа, Айритом, Далварзинтепа, Ажинатепа ва бошқа бир қатор қадимий шаҳарлар, қалъалар, ибодатхоналар харобаларидан топилган юсак бадиий савияда яратилган деворий расмлар, ҳайкалтарошлик асарлари амалий санъат буюмлари ҳисобланади. Ибтидоий жамоа даврида ер шарининг деярли барча бурчакларида ибтидоий расмлар томонидан тошларга, гор деворларига қушлар, ҳайвонлар, одамлар тасвирлари туширилган. Улар санъат даражасидаги расмлар ҳисобланмаса ҳам тасвирий санъатнинг шаклланишига асос бўлган.

Ранг-баранг ўсимликсимон геометрик нақшларда, уларнинг ўзаро жойлашувида чуқур мазмун сингдирилган. Ота-боболаримиз қадимий обидаларини нафис нақшлар билан безар экан, завқ олиш билан бирга, улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббат ва тилаklarини тараннум этганлар.

Эраимизнинг биринчи асридаёқ кишилар ганчнинг ажойиб хусусиятларга эга эканлигини билиб қалъа, карвонсарой ва турли жойларни ганч билан безашган. Каштачиликдаги безаклар, ганчкорликдаги ислимий нақшлар ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, нақшлар гўзаллиқни ифодаловчи манбадир. Нақш худди чордара ёпинган аёлга ўхшайди. Яъни чордара остидаги гўзаллиқни биз тасаввуримизда гавдалантиришимиз ва унинг гўзаллигини қалбдан ҳис этмоғимиз керак. Шундай экан, нақшларни қўл билан ушлаб кўриш эмас, унинг тарихий замирини, мазмун-моҳиятини кўра билиш керак. Кўп йиллик изланишлар гувоҳлик берадики, халқ меъморлари, халқ наққошлари халқ усталари таомилига хос бир қанча муаммолар мавжуд, улардан бири безакларни рамзий ўқиш санъатидир. Бу ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган.

Самарқанд бутун дунёга машҳур

энг қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, бу шаҳар меъморчилигида қўлланилган нақшлар ўзига хос гўзаллиқни ифодалайди. Самарқанд кўксига қад кўтарган Регистон шаҳарнинг кўрқига кўрк бағишлаб турибди, шаҳарга келган ҳар бир сайёҳнинг диққатини ўзига жалб этади. Регистон майдонида 3 та маҳобатли мадраса жойлашган бўлиб, улардан 2 таси 35 метрдан ҳам баландроқ. Буни ҳозирги 12 қаватли биноларимизга тенглаштирсак бўлади. Салобатли пештоқлари, чиройли миноралари, уларнинг ранг-баранг, сирли кошнлари ва нафис ишлов берилганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Аждодларимиз қадимдан яшаётган масканларни, девор-утошларни, идиш товоқларини, ов жараёнларини, жанг-у жадаллар, базмлар, ёзувлар, тантана-маросимлар, турли ҳайвон, қуш ҳамда ўсимлик нақшлари тасвирлари билан безаб келганлар. Бундан ташқари безакларнинг таъсирчанлик кучини янада ошириш учун ҳикматлар ва улғу алломаларнинг панд-насихатларини турли рамзий маъноларда ифодалаганлар.

Ҳар бир соҳанинг қонун-қоидалари бўлгани каби, каштачиликнинг сирлилиги шундан иборатки, унда ҳар бир нақш, ҳар бир белги бир қанча маъно аниқлади.

Кўпинча безакларда учрайдиган саккиз қиррали юлдуз-мустаҳкамлик ва мукамаллик рамзи ҳисобланади, олти қиррали юлдуз-ҳаётнинг бошланиши ёки охирини аниқлади, беш қиррали юлдуз эса беш кунлик дунё, ҳаётнинг қисқалиги ёки муқаддас Ислондаги бешта фарзга нисбатан қўлланилади.

Кашталарда асосан ўсимликларга хос белги-хусусиятлар акс эттирилади. Хусусан, барг-бахорги уйғониш, куртак-тўкинчилик, анор эса тўқчилик рамзи ҳисобланади. Кашталар безакларнинг ўзаро бир-бирига мос бўлиши орқали янги бир кўришни акс эттиради. Агар безакларда новда тўлқинсимон чиқиқ бўлиб давом этган бўлса, бу ҳаётнинг нотекислиги, ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ бўлишининг ифодасидир.

Асосан гулларда қўлланиладиган бир нуқта бу-ҳаётнинг бошланиши ва тугаши ёки оллоҳнинг ягоналиги рамзидир. Қадимдан бери кашталарда қўлланилувчи қалампир тасвири ёмонликлардан ва ёмон кўзлардан асрайди деб айтилган. Оллоҳ борлиқни турли-туман ранглар билан безаган бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум маънони

аниқлади. Ҳар бир рангнинг рамзий маънолари мавжуд. Рангларни таҳлил қиладиган бўлсак, қизил ранг-олов, галаба, илиқлик, хурсанчилик, шодлиқни ифодалайди. Мовий ранг-осмон, тинчлик, яшил ранг — она табиат, янгиланиш ёки ислом динининг рамзи, қора ранг — мотам, чексизлик, тушкунлик рамзи, оқ ранг — поклик, озодлик, бахт ва омад рамзи ҳисобланади.

Ранглар ва безаклар орқали турли тушунчаларни ифодалаш мумкин. Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, қадимги давр одамлари нутқ ҳали шаклланимаган пайтда турли белги ва рамзий тимсоллар орқали ўз фикрини ифодалашган. Хусусан, турли белгилар ва шакллар орқали ўзаро фикр алмашилган. Демак, нақшларга фақат гўзаллиги ва жимжимадорлиги учунгина ҳайрат билан боқилгани эмас, уларда акс этган сирларни ўқий олиш керак. Қадимий ганчкорлик намунаси сифатида Самарқанд ва Термиз шаҳарларидаги биноларда қўлланилган тасвир ва нақшларни айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Нақш арабча "тасвир", "гул" деган маънони аниқлади. У яъни ўсимлик, ҳайвон, геометрик шакл ва бошқа тасвирларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил бўлади. Ганчкорликда ҳам айнан табиат томонидан яратилган тасвир ва гўзалликлардан унумли фойдаланилади. Ҳар қандай нақш, белги, ранг, оддий ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар ҳар бир элемент маълум бир ғояни ифодалаш ва ўзаро бир-бирига мутаносиблиги билан бир бутун композицияни ташкил этади.

Нақшлар, безаклар, турли тасвирларда яширинган сирлар орқали шунини айтиш мумкин: Оллоҳ одамларга турли илмларни юборган ва бошқа мавжудотлардан шу орқали фарқлаган. Бундан — инсон умри давомида зиё орқали-руҳий покликка эришади, сўнгра у қомиллик даражасига етади, деган фалсафий маъно келиб чиқади. Демак, инсон фақат бойлик орқасидан қувиб, ҳақиқий бойликни, яъни маънавий, руҳий бойликни унутмаслиги керак. Зеро, илм орқали инсон руҳий покликка эриша олади. Бу ноёб сарҳад дурдоналарини сақлаш, илмий ўрганиш, уларни ёшларга ўргатиш ва келажақ авлодга етказиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Кўхинур ШУКУРЛАЕВА,
Тарих йўналиши 1-босқич
талабаси.

ТАЛАБАНИНГ МОҲИР ҚЎЛЛАРИ

Маҳлиё Нормуродова педагогика-психология факультетининг мактабгача таълим йўналиши биринчи босқич талабаси. Маҳлиёнинг болалар дунёси билан қизиқиши умумтаълим мактабда ўқиб юрган чоғларида бошланган. Болалар боғчасида тарбияланаётган жажжилар учун турли хил ўйинчоқлар ясаш, уларни ўйнатиш ва шу орқали болакайларни фаол ҳаётга жалб қилиш сирларини ўрганишига унинг онаси — дефектолог, 2009 йилда «Йил аёли» республика танловининг голиби Мамлакат Эрматова катта рол ўйнаган, десак тўғри бўлади.

Бўлажак педагог факультет, институтимиз микёсида бўладиган тадбирларда ўзи тайёрлаган кўғирчоқларини намойиш қилиб талабалар ва устозлари олқисини олмоқда. Унинг «Болалар дунёси» нафақат боғча тарбияланувчилари, балки катта ёшдагиларни ҳам сеҳрлаб кўяди.

Суратда: Маҳлиё Нормуродова кўғирчоқлари билан.



ОДОБ — АХЛОҚ МАВЗУИДА

“Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи-бўларликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади.
Ислом КАРИМОВ.

ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРМАНГ

РАҚАМЛАР ЎЙЛАШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ...

Хар бир миллатнинг давомийлиги, эртанги куни, порлоқ келажиги бу-албатта бугун вояга етиб келаётган ёшларни тарбиялаш билан боғлиқлиги кундай равшан. Келажигини нури, файзли бўлишини, кексайган чоғида ҳузур-ҳаловатда умр кечиришни истамаган ота-она бўлмаса керак. Демак, бахтли келажак яратиш бугун вояга етаётган ёш авлодни хар томонлама кучгайратли, ақл-идрокли, етук биллимли, жисмоний ва маданий-маънавий камолотини таъминлашга боғлиқдир.

Бу борада мамалакатимизда ёшлар тарбиясига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани сир эмас. Аммо, ёшлар орасида яратиб берилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, хар-хил йўллар билан тез ва осон бойлик орттиришга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунга сабаб қилиб уларни энгил-елпи ҳаётга ўргатаётган кўринмас кучларни мисол келтиришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда дунёда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар шунчалик бир-бирига боғланиб кетганки, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларида шахсларга, жамиятларга ва бутун бир давлатларга ўз таъсирини ўтказувчи глобал тизимларни кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси дунё миқёсида миллий манфаатлар кураши би-

лан бирга, гоё ва мафкуралар, қадрият ва дунёқарашлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳеч қачон барҳам топмаслиги, айниқса бугунги кунда янги ҳаёт шиддат билан кескинлашиб бораётганини кўрсатади.

Бу жараёни Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асариди шундай таърифлайди: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар харбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”.

Дарҳақиқат, юртимиздаги ёшлар орасидан онгли ёки онгсиз равишда жиноят йўлига кириб қолаётганлари афсуски учраб турмоқда. Бунга мисолларни диний-экстремистик, наркотик ва одам савдоси билан боғлиқ жиноий ишлар якунларида кўришимиз мумкин. Бундай нопок ишларни қилишга айрим ёшларни нима мажбур қилмоқда? Тўқликка шўхликми, оилавий муҳит таъсирими, бизга четдан кириб келаётган “оммавий маданият” таъсирими ёки бепарволик? Юқорида келтирилган саволларга жавоб олиш мақсадида Жиззах вилояти ҳокимлиги “Вояга етмаганлар билан ишлаш” комиссиясидан қуйидаги маълумотларни олдик. Тақдим

этилган 2011 йил 9 ойлик маълумотида кура 29 та содир этилган жиноятлар рўйхатга олинган, шулардан 10 та тан жароҳати, битта босқинчилик, 3 та талончилик, битта безорилик, 10 та ўғирлик ва 4 таси бошқа майда безориликлардан иборат. Бу жиноятни содир этаётганларнинг аксарияти коллеж ва лицей ўқувчиларидир. Мана шу содир

этилган 29 та жиноятда 34 та вояга етмаган болалар иштирок этганлар, шулардан 22 таси коллеж ва лицей, 2 таси мактаб ўқувчилари ва 10 таси коллежда ўқиш ёшига етган, аммо бекорчи болалар.

Ҳозирда Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган болалар сони 276 тани ташкил қилади, шундан 31 таси кизлардир. 2010 йил билан 2011 йилни солиштирадиган бўлсак, профилактик ҳисобда турувчилар сони яна 12 тага ортганини кўрамиз. 2010 йил 264 та булган бўлса, 2011 йил 276 та вояга етмаганлар жиноятчилар рўйхатига олинган. Бу ёшларни турли кўринишдаги жиноятларни содир этишларига албатта оиладаги тарбиянинг сустиги билан бир қаторда уларнинг кўрган кинолардаги ёшларга тақлиди ҳам сабабдир.

Азиз тенгдош, бу мамлакатда сен билан бизнинг жиноятчилик қилишдан кўра қиладиган ишларимиз бир талай. Сен хар доим ҳаракатда бўл, ҳеч қачон бугунги ишни эртага қолдирма, унутма, қолган ишга қор ёғади, йўқотган вақтингни ўрнини ҳеч нарса билан тўлдира олмайсан.

Фарҳод БОЙҚАРАЕВ,
Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши 1-босқич талабаси.

БЎДАЖАК БИОЛОГ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

ҚИШ ФАСЛИДА ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИ ПАРВАРИШИ

Юртимизда хар бир хонадонда хона ўсимлигини ўстириш, уни парвариш қилиш хар бир инсоннинг завқли машғулотларидан десак муболага бўлмайди. Лекин парвариш қилаётган ўсимлигини тўсатдан ривожланишдан тўхтаса, гул-япроқларини тўкса, қувраб қолса, албатта кишининг дили хира бўлади.

Қиш фаслида барча ўсимликлар тиним даврига ўтади, (моддалар алмашинуви деярли тўхтайдди), лекин хона ўсимликлари бундан мустасно. Қиш фасли хона ўсимликлари ҳаётидаги энг ноқулай давр ҳисобланади. Бу даврда хона ўсимликлари заиф бўлиб, турли касаллик ва зараркунандаларга берилувчан бўлиб қолади. Шунинг учун қиш фаслида хона ўсимликлари алоҳида парвариш, эътибор ва меҳрни талаб этади.

Бундай ноқулайликдан қутулиш учун энг аввало гулларни ёруғлик билан таъминлаш лозим. Уларни деразалар ёки деразалар яқинига жойлаштириш керак. Деразалар қуёш томонга қараган бўлса, фойдадан холи эмас. Сикламен, азалия, камелия, примула каби қишда гуллайдиган ўсимликлар албатта деразада туриши керак, акс ҳолда гулчалар очилмаслиги ёки очилган гуллар тезда тўкилиб кетиши мумкин.


Агар ёруғлик етарли бўлмаса лампа ёруғидан бир суткада 12 соат фойдаланилганда ўсимликда кечадиган биокимёвий жараёнлар нормал бориб, ўсимлик ривожланиши жадал кечади.

Соябардош ўсимликлар — аспидистра, аспарагус, кливия, монстера, филодендрон, сансевьераларни деразалар яқинига жойлаштириш ҳам бўлади, бироқ улар ҳам яхши ёритилган жойда яхши ўсади.

Иссиқсевар тропик ўсимликлар — бегония, филодендрон, сенполиялар 18-20 градус ҳароратда яхши ривожланса, ҳароратнинг 14 градусдан пастга тушиши уларга ҳалокатли таъсир этади. Фуксия, кала, азалия, пеларгония ва цитрус экинлари учун 8-14 градус ҳарорат оптимал (нормал) ҳисобланади. Ортиқча иссиқлик ўсимликларнинг муддатидан илгари ривожланишига олиб келади. Бу ҳол бўлмаслиги учун гултуваклар дераза ойнасига яқинроқ қўйилади. Совуқ кунлари тувак билан ойна орасига картон, фанера, паралон бўлаги жойлаштирилса илдиларни касалланишдан сақлайди. Кучли совуқ кунлари эса деразадан олиб қўйиш тавсия этилади.

Қишда гуллар парваришида суғориш алоҳида ўрин тутайди. Бу даврда ўсимлик баҳор ва ёз ойларига нисбатан сувни кам талаб қилишини ҳисобга олиш муҳимдир. Ортиқча суғориш тувакда тупроқнинг зичлашиб, илдиларнинг касалланишига олиб келади.

Ўсимликнинг сувга бўлган талабини аниқлаш учун тувакдаги тупроқни ушлаб кўрилганда тупроқ қўлга ёпишмаслиги ёки тувак чертиб кўрилганда жарангли овоз чиқариши керак. Кактуссимонлар 3-4 ҳафтада бир марта, алоэ, калонхое, сансевьера, кливия, сенполия сингари ўсимликларга эса бундан ҳам узоқроқ муддатда сув қуйиш мақсадга мувофиқ.



Гуллар суғорилганда хар кун озо-оздан сув қуймасдан, балки бирданга тувакдаги ҳамма тупроқ ҳўл бўлгунча ва сув тагликка оқиб тушгунча суғориш керак. Тувакдаги тупроқ жуда қотиб кетса, қуйилган сув тупроқни ҳўлламай туриб тагликка ўтиб кетиши мумкин. Бундай ҳолларда тагликдаги сувни бир неча соат тўкмаслик маъқул ёки туваклар сувга бўғзигача ботириб қўйилиши керак. Ёз ойларидан фарқ қилиб қиш ойларида ўсимликлар эрталаб суғорилиши керак. Суғориш учун хона температурасидан 5-7 даража юқори бўлган қор, ёмғир, ариқ ёки тиндирилган водопровод сувидан фойдаланилади. Совуқ сув ўсимлик илдиларни томонидан ёмон ўзлаштирилади. Водопровод суви билан суғорилганда сув қопқоғи очик идишда бир сутка туриши керак шундай қилинганда сув ўсимлик учун зарарли бўлган хлор ва бошқа туз, газлардан холи бўлади.

Хона ўсимлиги ўстириладиган хона ҳарорати ўсимлик турига қараб 12-16 градус, намлиги 25-45 фоиз бўлганда оптимал (нормал) ҳисобланади. Агар хона намлиги пасайса ўсимликлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатади: зараркунандалар (қизил канача) кўпаяди, палмалар баргининг четлари қуруқлашиб қолади, бундай ҳолларда гултувакларни намланган кум, ёғоч қириндиси, керамзитли тагликка жойлаштириш ёки ўсимликлар яқинига идишда сув қуйиш мумкин.

Ўсимликларнинг барглари илик сувда ҳўлланган тоза пахта ёки мато ёрдамида, хар икки томони тарновсимон барглар эса юмшоқ чўткада хар бир қисми алоҳида ювлади. Қалин туқлар билан қопланган (бегония, глосиния ва бошқалар) барглари юмшоқ чўтка ёрдамида ҳафтада бир марта чанги артиб турилса кифоя.

Зараркунандалар пайдо бўлганда саримсоқ пиёз дамламаси (бир чой қошиқ майдаланган саримсоқ пиёзга бир стакан сув) пурқаш тавсия этилади. Қиш ойларида кимёвий кураш чораларини қўллаш одамлар учун хавфлидир.

Демак, хар бир фасл хар қандай ўсимликда кечадиган жараёни жадаллаши ёки сусайишига олиб келади. Шунинг учун хар фасл хона ўсимлиги парваришида турли хил эътиборни талаб қилади.

Нурпўлат ХОЛМООНОВ,
Биология ўқитиш услубияти йўналиши 3-босқич талабаси.

БУ КИТОБНИ ЎҚИНГ...

КИШИНИНГ ДЎСТИ КИМ?

Таниқли олим Ҳамид Зиёевнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган «Фарзандингиз ақлли, соғлом ва оқибатли бўлсин десангиз...» китобини ўқишингизни тавсия қиламиз.



бўлмайди. Бунинг учун вақт ўтади. Масалан, вақти келганда ота-она учун фарзандларнинг нечоғли дўстлиги (оқибатли, меҳрибонлиги ва қимматлилиги) оилали бўлгандан сўнг маълум бўлади. Шундай фарзандлар учраб турадики, улар буйдоқлик пайтида ота-онасига меҳрибон бўлади, бироқ хотинли бўлганидан кейин айнийди. Масалан, қариндошимнинг икки ўғли ота-онасига шундай меҳрибон эдики, ҳаммининг ҳаваси келарди. Шу боис улар фарзандларига бойликларини аямай сарфладилар. Бироқ, бари уйланганларидан кейин хотинларининг сўзига кириб ота-онани менсимай, сўзларига кирмай қўйдилар. Оқибатда ота-онани уларидан сиқиб чиқардилар.

Менга таниш бир савдогарнинг омади кетиб, бойликларидан маҳрум бўлди. Хотини эса ажралиб бадавлат кишига теғди. Яна бир мисол. Майизни икки бўлиб ейдиган икки дўст бор эди. Аммо вақти келиб улардан бири мансабдан четлаштирилгандан сўнг дўсти аста-секин узоқлашиб кетди.

Бироқ ҳаётда меҳрибон ва ғамхўр, хар қандай шароитда ўзгармайдиган кимсалар оз эмас. Хусусан, қўшимизнинг олтига ўғли ва шунга яраша келинлари бўлиб, биргаликда яшайдилар. Ота-она уларнинг тўйларини зўрға, ниҳоятда ачинарли ҳо-

латда ўтказган. Шунга қарамай, фарзандлар оилали бўлганларидан кейин ҳам ота-оналарини кафтида кўтариб юришмоқда. Эр-хотиннинг бир-бирларига вафодорлиги кулфат ва йўқчилик бошга тушган вақтларда билинади. Маҳалламиздаги оёғи шол бўлиб қолган кишини яхши биласизлар. Мана ўн йилдан буён, чиройда тенги йўқ хотини ташлаб кетгани йўқ. Аксинча отаси ва ака-укаларидан ёрдам олиб парвариш қилмоқда. Ҳатто уни йўлдан уриб хотинликка оладиган бойлар топилди. Бундай тақлифларни нафрат билан рад этди. Мингбоши билан юзбоши бир-бирлари билан жуда дўст эди, нимаям бўлдики, ҳоким юзбошининг устидан тухмат ўштириб ишдан бўшатди. Мингбоши бунга чидай олмай ҳокимнинг адолатсизлигини қоралаб дўсти учун ихтиёрий равишда истеъфога чиқди. Шунга айтадиларда “дўстинг учун захар ич” деб.

Хуллас, — деб сўзини давом эттирди ўша кекса, — вақт вафодорлик ва дўстликни, вафосизлик ёки душманликни аниқловчи муҳим омилдир. У кези келганда оқни оққа ва қорани қорга ажратади. Шу маънода кишининг чинакам дўсти вақтдир.

Шунинг учун ҳам “Вақт кўрсатади” деган нақл бекорга тўқилмаган.

Инсоннинг асл дўсти ким, деган саволга нисбатан кўп фикрлар ўртага ташланган. Айрим донишмандлар инсоннинг дўсти тили, хотини, фарзандлари, қариндош ва оғайнилари деган бўлса, бошқа бировлар тахт ва бойлик ҳақида сўз очганлар. Хар ким ўз сўзини қувватлаш учун далил-исботлар келтирган. Шу тариқа донишмандлар бир тўхтама кела олмай қизишиб турганларида Рихситилла ака сўз очди:
— Хар бир кишининг дўсти ҳам душмани ҳам танишлари орасида. Бироқ буни дарров билиб

Шеърят гулшани

ГЎЗАЛ ЭДИНГ

Гўзал эдинг ўшал дамлар ҳам,
Назокат-ла майин сўзлардинг.
Чиройингдан мунаввар олам,
Тўлин ойдек эди юзларинг.
Висол чоғи булоқ бошида,
Мажнунтол ҳам бўларди гувоҳ.
Шундай маъсум дарахт қошида,
Учрашардик йўқ эди гуноҳ.
Баҳор чоғи олам яшнарди,
Гуллар бизга қиларди ҳавас.
Бизни Лайли-Мажнун аташди,
Сендан айро олмасдим нафас.
Рангин фасл, рангин туйғулар,
Сени дерди юрагим яккаш.
Яшар эдим мисли самандар,
Севгинг сени мисоли оташ.
Мана ёзнинг саратонида,
Сени излаб юрибман ҳар ён.
Қотган қалбим қаҳратонида,
Етим сеvgи кезади сарсон.
Мажнунтолнинг тагида бу кун,
Мажнун каби йиғлайман бу дам.
Қаёқлардан келади бир ун,
Йиғлар кўмсаб, сени дер у ҳам.
Абдуманнон ҲАСАНОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
2-босқич талабаси.

МУҲАББАТ

Соғинч саҳросида сени излайман,
Танҳолик дардида ёниб бўзлайман.
Висол жаннатини тушда кўзлайман,
Ҳижроннинг охири борми муҳаббат.
Қалбимда туйғулар куйиб сўзлайди,
Ҳатто вужудим ҳам сени истайди.
Дардимни қайси бир табиб сўрайди,
Ҳижроннинг охири борми муҳаббат.
Қаерда кимлардур адашиб севаар,
Яна кимлар билмам, севиб севилар,
Адашган ошиққа завол келтирар,
Ҳижроннинг охири борми муҳаббат.
Севги савдосини ошиқдан сўра,
Бошига иш тушган донодан сўра.
Бедорлик азобин тунлардан сўра,
Ҳижроннинг охири борми муҳаббат.
Дардимни билмам сўзлай кимларга,
Олис осмонгами ёки саҳрога.
Дилшоднинг юрагин ноласин айттай,
Ҳижроннинг охири борми муҳаббат.
Дилшод ФАЙЗ,
Муסיқий таълим йўналиши
2-босқич талабаси



ШЕЪРИМГА

Бир кун ҳаёт солса мени измига,
Бошим эгиб қолсам агар фироқда.
Аччиқ қисмат гирдобига солибон,
Шеърим, ташлаб кетма мени йироққа.
Ожизманда, ожиз ҳатто қаламим,
Бор дардимни олсам гарчи ўзингдан.
Вужудимни ўртар ўтли аламим,
Шеърим, ҳафа бўлма, айтар сўзимдан.
Сўроқласам тунда ой ҳамроҳ бўлиб,
Келганинда тутмоқ истаб кўлимни.
Олиб кетсанг орзуларнинг шаҳрига,
Ёритмоққа имкон излаб йўлимни.
Сени ҳафа қилсам мендан аразлаб,
Ёлғизлатиб кўйсанг агар овунчим.
Тополмасам излаганда изингни,
Йиллар элтиб берсин сенга ўтинчим.

Ўч олмагин, ўч олмоқлик сенгамас,
Сен яралдинг пок хисларнинг ишқида.
Юрагимда сенга бўлган меҳримни,
Асраяман туйғуларнинг кўшиқда.

Фақат ўзинг дардларимни олгучи,
Қалбинг каби оқ қоғозга саралаб.
Сенла ҳаёт гулшанида қолгучи,
Юракларни асра, кетма яралаб.

Мен тақдирини йўлларида бир гумроҳ,
Фақат яратганга айтолсам сирим.
Инсонларнинг орасида сен гувоҳ,
Ҳар сатрингда хислатларим яширин.

Сен сирдошим, тунлар эса ҳамроҳим,
Жамалакдек сочларимга бойландинг.
Ўзинг бахтим, ҳам ҳасратим ва оҳим,
Шеърим бугун дардқашимга айландинг.
Юлдуз ҲОТАМОВА,
Бошланғич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши 1-босқич
талабаси.

ОТАМГА БАҒИШЛАБ

Уйимизнинг тўрига шифтга,
Суратингиз осиб куйибман.
Хонам нурли, гўзал бўлсин деб,
Унга райҳон тақиб куйибман.
Ҳар гал уйга кирган чоғимда,
Нигоҳингиз менга қадалар.
Секингина, шивирлаб аста,
Дейсиз нега юрагинг хаста?
Армоним бор дунёда битта,
Отам дардин ололмадима.
Суянганим, соябоним деб,
Омон сахлаб қололмадима.

УМР ЎТКИНЧИ


Ҳаёт шамол, ҳаёт бир тўфон,
Унда бир зум яшаб қоламиз.
Умр ўтиб дардлар етганда,
Ҳаммасини ўйлаб қоламиз.
Бирда хато, бирда гуноҳни,
Ўйламасдан қилиб кўямиз.
Умр ўтиб дардлар етганда,
Асо таёқ тутиб қоламиз.
Ота-она қадрига етмай,
Кўнгуллари қиламиз хуфтон.
Умри ўтиб, ажал етганда,
Орқасидан йиғлаб қоламиз.
Умр ўткинчи ...
Лобар Тўхтаева,
Педагогика ва психология йўналиши
3-босқич талабаси.

КАМОЛОТ ОСТОНАСИДА

Мақсадлар сари, интилиб ҳар дам,
Олийгоҳга кўямиз қадам.
Камолотга етамиз бардам.
Устозлар доим биз билан бирдам.
Кетамиз бу йўлдан толмай ҳеч ҳам,
Биз ёшлар эмасмиз, ҳеч кимдан кам.
Шиоримиз ҳам доимо ҳамдам,
Онамиз дуоси кўллар ҳар қадам.
Ҳикматга тўлиқ ҳар бир дарс,
Талабалик шаънига келтирмаймиз
дарз.
Илм чўққиларин забот этиш - ният,
Бу ниятдир биз учун зийнат.
Дилдора ТУРҒУНОВА,
Бошланғич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши
3-босқич талабаси.

КЎНГИП ВА ҚАПАМ

Қалбимни қийнаган тўғеним, кел қоғозга туш,
Қарагин саҳифа оппоқ, турибдику бўш.
Нега қиймалайсан жоним, руҳимни,
Ҳақни топмоқ қийинлигин кўрибманми туш?
Бу дунёда борман шунга шукур қилайин,
Тенглар ичра тенгман бугун фикр қилайин.
Хур эллардек хурман доим зикр қилайин,
Юрагимда тошган тўғеним кел қоғозга туш.
Ота - онам тириклиги саодатимдир,
Юртимнинг тинчлиги ҳаловатимдир.
Ҳасрат қилсам нимадандир — маломатимдир,
Кўнглимдаги шуқронам кел қоғозга туш.




Дилноза ЖУМАЕВА,
Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши 4-босқич талабаси,
"Иқтидорли талабалар учун" стипендияси соҳиби.

УСТОЗИМГА...

Дунёда бир ном бор азиз, муқаддас,
Доим таъзимдамиз ул зот олдида.
Дунёни танитган, илм ўргатган,
Борлиқни англаган **Устоз** аслида...
Меҳнат, машаққат ҳам масъулият,
Тўсқинлик қилолмас бурчи йўлида.
Кўмагин аямай, меҳр кўрсатган
Беминнат, заҳматқаш **Устоз** аслида...
Ҳақ йўлда тўғри йўлни кўрсатган,
Буюк зотлар ўтган асли наслида.
Қалбларга эзгулик уруғин сочган,
Табаррук ул зот **Устоз** аслида...
Юзидан ёғилар нури бир шуъла,
Тўридан жой беринг бахтнинг қасрида.
Қайтара олмасмиз ҳарчанд урунсақ,
Меҳнатингиз ҳақин **Устоз** аслида...
Бу кун сизни кўкларга кўтаргим келди,
Яна бир ёш кўшилди кўклам фаслида.
Шогирдлар хизматда, сиз эл ардоғида,
Дунёнинг устун **Устоз** аслида...
Дилфуза ИШОНҚУЛОВА,
Бошланғич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши 2-босқич
талабаси.

Бола ва лола

Онанинг бағрида улғаяр бола,
Далага кўрк кўшай, дер экан лола.
Бола келажакка пайванд бир ниҳол,
Лолани кўрганда барча бўлар лол.
Бола келажакнинг бахтли кўзгуси,
Лолачи гўзаллик, латофат сўзи.
Бола лоладан гўзал бўлса гар,
Лола бола каби бўлолмас магар.
Суннатullo МАЖИДОВ,
Жиззах шаҳридаги 19-сон
умумтаълим мактаби ўқувчиси.



ЯХШИЛИК

Бу дунёда ҳамма ўтаркан,
Яхши-ёмон бирдай кетаркан.
Лек ёмоннинг ортидан ҳар ким,
Фақат додин айтиб битаркан.
Яхши инсон ҳаммага ҳамроҳ,
Юзида нур порлаб тураркан.
Лек қалбида, кўнглида бир оз,
Дарди бўлса ютиб юраркан.

Яхши хислат ҳаммада бордир,
Кимдир уни хўрлаб ўтаркан.
Бу хислатни ҳатто бировлар,
Ўз қабрига олиб кетаркан.
Яхшиларнинг кенг даврасида,
Доно сўзлар ҳоким бўларкан.
Яхшиларнинг энг яхшисини,
Доим кўрингиз келиб тураркан.
Зухриддин БОЗОРОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
4-босқич талабаси.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

ЙИГИТЛИК СИФАТЛАРИ

Эй фарзанд, ҳар қанча ёш йигит бўлсанг
ҳам ақлинг улуг бўлсин. Мен сенга
йигитлик қилма, деб айтмайман. Фақат
оғир йигит бўл, енгилтак йигитлардан
бўлма. Йигитларга оғирлик ярашади.
Арасту ҳаким: "Йигитлик - ақлсизликнинг
бир тури", деб айтган экан. Жоҳил
йигитлардан бўлма, жоҳилликдан кўп
офатлар пайдо бўлади. Агар йигитлик
чоғингни бекорга ўтказсанг, илму ҳунар
ўрганмасанг, ялқовликни ўзинга одат
қилиб олсанг, қариганинда ўз ҳолингга
ўзинг йиғлайсан, пушаймон қиласан,
лекин фойда бермайди.
Эй фарзанд, ҳушёр бўл, йигитлик
даврингни ғанимат бил, йигитликка
мағрур бўлиб, азиз умрингни хою ҳавас

билан ўтказма. Шуни ҳам айтиб ўтай,
фақат ёшлар билан эмас, кексалар билан
ҳам суҳбатда бўлгин, қариялар йигитларга
қараганда кўп нарсани биладилар. Баъзи
йигитлар қарияларни ўзларига муҳтож деб
билиб, уларни кўзга илмайдилар, ҳатто
баъзида масҳара қилиб куладилар.
Қарилар йигитлик даврини ўтказиб, ўз
орзуларига етганлар. Йигитлар ҳам шу
орзуда яшайдилар. Баъзи йигитлар
ўзларини ҳаммадан доно ҳисоблайдилар.
Лекин фақат шу билан ўзларининг нодон
эканликларини билдирадилар.
Ҳар бир ишинг ҳақида ўзингдан катта
одамлар билан кенгашиб, уларнинг
маслаҳатларига амал қил, шундагина
ишларингда муваффақият қозонасан.

ҲИКМАТЛАРДАН

**Оз ошаган мой ошар,
Кўп ошаган лой ошар.**

Халқ медицинаси қарашларини ифода
этувчи мақолларнинг бир қанчасида озик-
овқатни оз, яъни киши вужудининг
эҳтиёжига яраша истеъмол қилиш
бениҳоя зарурлиги ўқтирилади, кўп, яъни

керагидан ортиқча емоқ-ичмоқнинг
келтирадиган зарари ва ёмон оқибатлари
кўрсатилади: "Оз емак - соз емак"; "Оз
емоқ - тани соғлиқ"; "Оз демоқ - ҳикматга
лозим"; "Оз емоқ - сихатга лозим"; "Оз
еган оз йиқилур, оз деган оз янгилюр"
(йиқилур - касал бўлиб ётиб қолур; янги-
люр - янгилишар); "Кўп демак - сўзга ма-
ғрурлик, Кўп емак-нафсга маъмурлик";
"Иззат тиласанг оз де, Сихат тиласанг
оз е".

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах давлат педагогика
институту

Редакцияга қелган хатлар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фаркланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил 26
декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга
олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах
Давлат педагогика институту.

"Zamin Print" МЧЖ босмаҳонасида офсет усулида 6000
нускада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжойи
кўчаси, 4-уй. Буюртма № Shaki- A-3.